

«Шунча гуноҳларимиз билан-а?»



08:07 / 16.12.2019 2776

Назр ибн Зурора ишончли ровийдан ривоят қилади: «Умар ибн Абдулазизнинг Солим деган бир қул дўсти бўлиб, у билан Аллоҳ учун дўст тутинган эдилар. Умар ибн Абдулазиз амирликка тайинланганларида дўстлари Солимни чақирдилар. Солим келгач, унга: «Эй Солим, мен нажот топмайманми деб қўрқаман», дедилар. Солим: «Қўрқаётган бўлсанг, яхши. Мен мана шу нарсадан қўрқмаслигингдан қўрқаётган эдим. Аллоҳ бир бандага бир ҳовли бериб, у ерда қилган битта гуноҳи учун чиқариб юборган эди (Одам алайҳиссаломнинг жаннатдан чиқарилиши назарда тутиляпти). Биз эса сон-саноксиз гуноҳларимиз билан ўша ҳовлида яшамоқчи бўляпмиз», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан